

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

**«АВТОМОБИЛЛАР ТЕХНИК ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ»
кафедраси**

«ТЕХНИК ТИЗИМЛАРНИ БОШҚАРИШ»

фанидан лаборатория ишларини бажариш бўйича

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

5521200 «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш»,

**5140900 «Касбий таълим» (Транспорт воситаларини ишлатиш ва
таъмирлаш) йўналишлар бакалаврлари учун**

Тошкент-2010 йил

Услубий қўлланма 5521200 «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш», 5140900 «Касбий таълим» (Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш) йўналишлари учун «Техник тизимларни бошқариш» фани намунавий дастури асосида тузилган ва «АТЭ» кафедрасининг «_____» _____ 2010 йил (Баённома №_____) мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

«АТЭ» кафедрасининг мудири

проф.Қ.М. Сидиқназаров

Тузувчилар:

доц. Н.М.Мўминжонов

доц. Ж.И. Усмонов

асс. Б.Д. Ибрагимов

магистрант Ж. Каримов

Такризчилар:

«Автомобилсозлик технологияси»
кафедраси доценти, т.ф.н. М.Т.Умиров

«Автомобиллар техник эксплуатацияси»
кафедраси катта ўқитувчиси Т. Рўзматов

Автотранспорт факултети Илмий-услубий кенгаши томонидан
тасдиқланган.

«_____» _____ 2010 йил

- сон мажлис баёни

Кенгаш раиси

доц. Н.Н. Маннанов

Мундарижа

1. Бош механик бўлимнинг ишини ўрганиш - 2 соат.....	4
2. Автотранспорт корхоналарида техник назорати бўлимнинг ишини ўрганиш ... 2 соат.....	8
3. Автокорхонада ҳаракат воситаларига ТХК ва жорий таъмирлаш ишлари жараёнини бошқариш усуллари ўрганиш 2 соат	11
4. Автомобилларга ТХК ва жорий таъмирлашда ишлаб чиқаришни марказдан бошқариш тизимини ўрганиш 2 соат.....	15
5. АТКда қўлланиладиган ҳужжатлар ва ҳужжатлаштириш жараёнларини ўрганиш 2 соат.....	19
6. Соҳа бўйича ишбилармонлар ўйинини ташкил этиш - 4 соат	21
7. Автотранспорт корхоналарида техник бўлими ишини ташкил этишни ўрганиш - 2 соат.....	23
8. Автотранспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш корхоналарида техник тизимларни бошқаришни ўрганиш - 4 соат	26
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	31

1. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Бош механик бўлимининг ишини ўрганиш

Ишдан мақсад: Бирлашма ва автотранспорт корхонаси (АТК) миқёсида бош механик бўлими (БМБ) хизматининг таркиби, йўналиши ва вазифаларини ўрганиш. АТКда қўлланиладиган технологик жихоз ва дастгоҳларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этишни ўрганиш.

1. Умумий маълумотлар

Бош механик бўлими ишлаб чиқариш техник базаси (ИЧТБ) ни ривожлантириш, бино, иншоотлар, энергетик, санитар - техник, технологик жихозлар ва ускуналарни техник соз ҳолатда ушлаб туриш билан боғлиқ вазифаларни бажаради (1.1-расм).

Умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда БМБ га қуйидагилар юкланади:

ИЧТБ элементларининг техник ҳолатини назорат қилиш, уларнинг мавжудлиги ва ҳолатини ҳисобга олиш, элементларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ва таъмирлаш, янги техникани жорий этиш, ностандарт жихоз ва ускуналар тайёрлаш, жихозлар ўрнатиш, уларни кўчириш ва созлаш, қурилиш ишларини бажариш (капитал қурилиш бўлими бўлмаган ҳолларда) Хизмат раҳбари бош механик бўлиб, у бирлашма бош муҳандисига бўйсинади. Бош механикнинг вазифа ва ҳуқуқлари хизматнинг мақсади ва бажариладиган ишларидан келиб чиқади.

2. Ишнинг мазмуни


2.1. Бирлашма ва АТК миқёсида бош механик хизмати (БМХ) нинг ташкилий таркибини ўрганиш. Бирлашма (ёки уюшма) БМХ тузилмасининг тасвири келтирилади, бўлимларнинг вазифалари ва таркиблари ўрганилади.

2.2. АТК БМБнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ўрганиш. АТК БМБни технологик жихозлар жойлаштирилган режаси келтирилади, вазифалари, бажариладиган ишлари ўрганилади.


2.3. АТКнинг технологик жихозлари ва ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш услублари ва технологик жараёнини ўрганиш. Технологик жихозларга ТХК ва таъмирлаш режа-жадвали келтирилади (1.1-жадвал).

2.4. Жихозлардан бирини ишлашини принципиал тасвири келтирилади (1.2-расм). ТХК ёки таъмирлашни технологик харитаси тузилади (1.2-жадвал).

Бош механик бўлими ишини ташкил этиш



Расм 1.1. Автомобил транспорти бирлашмаси бош механик хизмати таркиби



1.2.-расм. Электромеханик юритмали солидол сўрувчи схемаси:

1-бункер; 2-устки паррак; 3-остки паррак; 4-филтр; 5-кулачок; 6-юкори босимли плунжерли насос; 7-босим релеси; 8-электрли двигател; 9-тишли гилдиракли узатма; 10-редуктор.

АТК БМБнинг технологик жихозларининг қайдномаси

№	Жихозлар ва асбоб ускуналар сони	Сони	Тури, модели	Габарит ўлчовлари, мм	Эгаллаган жойи майдони, м ²

1.1-жадвал

АТК устахоналаридаги технологик жихозларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режа-жадвали

т/р	Жихоз номи	Тури ёки русуми	Ишлаб чиқилган йили	Жихоз ўрнатилган жой	Квартал, ойлар													
					I			II			III			IV				
					1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	1	2	3	4	5	6	17

1.2 - жадвал.

Технологик жиҳозга ТХК кўрсатиш ёки таъмирлашни технологик харитаси

Жихозлар номи			Талаба			
т/р	Амаллар ва ўтишлар сони	Бажариш жойи	Асбоб ускуналар	Бажариш вақти, мин.	Иш разряди	Техник талаблар

3. Ишни бажариш жойи

3.1. Иш муайян АТКнинг ишлаб чиқариш техник базаси ва бош механик бўлимида бажарилади.

**1. АТК да бош механик бўлими ишини ўрганиш
лаборатория иши бўйича
ХИСОБОТ**

Талаба _____ гурухи

Ўтказилган жой, сана _____

Ишнинг мақсади _____

1. Автомобил транспорти корхонаси бош механик хизмати таркиби келтирилсин:

2 АТК БМБ технологик жихозлари жойлаштирилган режаси (масштабда) келтирилсин:

3.АТК устахоналаридаги технологик жихозларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режа-жадвали тўлдирилсин (1.1-жадвал)

4. Ўқитувчи кўрсатмаси билан бирорта технологик жихозни тузилиши, ишлаш принципи кўрсатилсин.

5. Технологик жихозга ТХК ёки таъмирлашни технологик харитаси тўлдирилсин (1.2-жадвал)

2. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Автотранспорт корхоналарида техник назорат бўлимининг ишини ўрганиш

Ишдан мақсад: Бўлимнинг ташкилий таркиби билан танишиш ва АТК да техник назорат пунктини ташкил қилиш услублари билан танишиш.

Техник назорат ўтказиш технологик жараёни билан танишиш, автомобилларни техник назоратдан ва техник кўриклардан ўтказиш ишларини ўрганиш.

1. Умумий маълумотлар

Техник назорат бўлими (ТНБ) АТК барча ТХК, ЖТ минтақалари ва устахоналарида бажариладиган амаллар бажариш жараёнида ёки сўнгида ишларнинг ва ташқаридан келтирилган эҳтиёт қисм ва бошқа махсулотларнинг сифатини назорат қилади. Харакатдаги таркибнинг айримларини ишга чиқишида ва қайтганда вақти-вақти билан техник ҳолатини назорат қилади, ҳаракатдаги таркибни носозликларини келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилади.

ТНБ бошлиғи қўл остида техник назорат усталари, техник назорат пункти (ТНП) механиклари бўлади.

ТНБ ишчиларининг сони, вазифалари АТК техник хизматининг таркиби, иш тартиби, ТХК, ЖТ ва устахоналар ишчилари сонига қараб белгиланади.

Агарда белгиланган вазифалар бўйича иш ҳажми етарлича бўлмаса, у ҳолда бошқа мансаблар билан қуйидагича бириктирилиши мумкин:

- база корхонасининг техник назорат пункти (ТНП) механиклари марказлашган ишлаб чиқаришга келган автомобилларни ҳам қабул қилиш билан шуғулланади;

- автомобил ва агрегатларни капитал таъмирлаш бўйича назорат устаси марказий омбордаги материалларнинг ҳам сифатини назорат қилади;

- АТК кам қувватли филиалларининг ТНП механиклари ўз корхоналаридаги техник хизмат ва таъмирлаш ишларининг сифатини ҳам назорат қилади.

2. Ишнинг мазмуни

2.1. АТК ТНБ ташкилий таркибини ўрганиш.

2.2. АТК ТНП ишини ташкил қилиш усуллари ва техник воситаларини ўрганиш.

2.3. АТК ҳаракатдаги таркибларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш технологик жараёни билан танишиш.

2.4. Муайян АТК ТНП иши билан танишиш ва автомобилни техник ҳолатини назорат қилиш технологик харитасини тузиш.

3. Ишни бажариш жойи

3.1. Муайян АТК (Интертранссервис кўшма корхонасида, 3, 8,18-автобус саройлари) нинг техник назорат бўлимида бажарилади;

3.2. Иш ўрнини ташкил қилиш:

- автомобил;

- қаров чуқурлари;


-ТНП асбоб ва ускуналари;

3.3. ТНПдаги автомобилларни рўйхатдан ўтказиш китоби ва ҳужжатлари.

4. Ишни бажариш тартиби

4.1. Гуруҳ талабалари 5-7 кишидан иборат бир неча кичик гуруҳларга бўлинади

4.2. 1-чи кичик гуруҳ талабалари АТК ТНБнинг ташкилий тартиби, бўлим ишчиларининг меҳнат тақсимоти ва уларнинг хизмат вазифалари билан танишади. Муайян АТКни ТНП таркибининг принципиал тасвири (2.1-расм) чизилади.



2.1-расм. Муайян АТК-нинг техник назорат бўлими таркибининг принципиал тасвири

4.3. 2-чи кичик гуруҳ талабалари, ТНБда ишлатиладиган ҳужжатлар ва йиллик техник кўрик ўтказиш технологияси билан танишади. Олинган маълумотлар асосида технологик харита тузилади (2.1-жадвал)

4.4. 3-чи кичик гуруҳ талабалари муайян АТК ТНПни ташкил қилиш услуби, унда ишлатиладиган техник воситалар, асбоб ускуналар билан танишади. Ишнинг ҳисоб қисмида ТНПнинг жихозлар жойлаштирилган режаси (2.2-расм), жихозлар қайдномаси (2.2-жадвал) келтирилади ва автомобилни техник ҳолатини, кунлик назоратдан ўтказиш харитаси (2.3-жадвал) тўлдирилади.

4.5. ТНПда ҳар бир талаба мустақил равишда технологик харита тузади.

Лаборатория машғулоти натижаларига асосан талабалар ҳулоса чиқариб ТНП ишини яхшилаш тўғрисида таклиф ва мулоҳазаларини киритади.

2.1-жадвал.

Йиллик техник кўрик ўтказиш технологик харитаси.

Автомобил маркази _____

Тартиб рақами	Операция ёки ўтишлар номи	Ишни бажариш жойи	Иш хажми, ишчи / соат	Техник талаблар

2.2-жадвал

АТК ТНП технологик жихозлари ва ташкилий анжомлари.

Жихоз анжомларнинг номлари	Тури, модели	Габарит ўлчами, мм	Сони	Жихоз эгаллаган майдон, м ²

2.3-жадвал

Автомобилни техник ҳолатини ҳар кунги техник назоратдан техник назорат пунктида ўтказиш технологик харитаси (харитани тузилиши 2.1-жадвалдан қаралсин).

2. АТКда техник назорат бўлими ишини ўрганиш лаборатория иши бўйича ХИСОБОТ

Талаба _____ гуруҳи

Ўтказилган жой, сана _____

Ишнинг мақсади _____

1. АТКда техник назорат бўлимини ишини ўрганиш
2. АТКларининг техник назорат бўлими таркибининг принципиал тасвири.
3. Муайян АТКнинг (лаборатория иши ўтилаётган) техник назорат пунктнинг режаси (масштабда).
4. Йиллик техник кўрик ўтказиш технологик харитаси (Жадвал 2.1)
5. АТК ТНП технологик жихозлари ва ташкилий анжомлари (Жадвал 2.2).

Автомобилни техник ҳолатини ҳар кунги техник назоратдан техник назорат пунктида ўтказиш технологик харитаси (харитани тузилиши 2.1-жадвалдан қаралсин).

3. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Автокорхонада ҳаракат воситаларига ТХК ва ЖТ жараёнини бошқариш услугларини ўрганиш

1. Ишнинг мақсади: АТК ва АТБларда ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш услублари, ҳар бир услубнинг ташкилий таркиби, афзалликлари ва камчиликлари, услуб танлашга таъсир этувчи омиллари билан танишишдир.

2. Ишнинг мазмуни

2.1. АТК ва АТБ ларда ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш услублари билан танишиш.

2.2. ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини ихтисослашган ва комплекс бригада, агрегат устахонали услубларда ташкил қилиш таркиби билан танишиш.

2.3. ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил қилиш услублари, афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш.

2.4. ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш бўйича Республикамизда ва автомобил транспорти соҳаси ривожланган давлатларда мавжуд услубларни ўрганиш.

2.5. ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий прогрессив услубларни амалиётда қўлланиш афзаллигини аниқлашни ўрганиш.

3. Умумий маълумотлар

Автокорхоналарда ҳаракат воситаларига ТХК ва ЖТ ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишдаги қуйидаги услублар қўлланилади:

- ихтисослашган бригадалар;
- комплекс бригадалар;
- агрегат участкалар;
- устахонали бригадалар;
- минтақали ва х.к.

Бу услублардан биринчи учтаси автокорхоналарда кўпроқ тарқалган.

А. Ихтисослашган бригадалар услуги

Бу услубга биноан ҳар бир ТХК ва ЖТ ишлари ихтисослашган бригада ишчилари томонидан бажарилади. КХК, 1-ТХ, 2-ТХ ва агрегатларни таъмирлаш учун зарур. ТХК ва ЖТ ишларини ихтисослашган бригадалар услугида ташкил этилгандаги АТК муҳандис-техника хизмати (МТХ)нинг таркиби 1-расмда келтирилган. Бу услубнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат: ҳар минтақада ишларнинг технологик бир хиллиги таъминланади, меҳнат унумдорлиги янги техника ва технология каллаш ҳисобига ошириш имкони туғилди. Ихтисослашган бригадалар услубининг асосий камчиликларидан бири бажарилган ишларга ишчиларнинг шахсий маъсулиятини етарли эмаслиги.

Б. Комплекс бригадалар услуги

Бу услубнинг мазмуни шуки АТКда хар бир бўлинма масалан, автосаф ТХК ва ЖТ бўйича ўзининг комплекс бригада ишчиларига эга бўлади. КХК ва агрегатларни таъмирлаш ишлари эса марказлашган тарзда бажарилади. Комплекс бригада ўзига бириктирилган ишлар турини бажариш учун хар хил касбдаги ишчилардан ташкил топган бўлади. ТХК ва ЖТ ишларини комплекс бригадалар услубда ташкил этилгандаги АТК МТХнинг таркиби 2- расмда келтирилган.

Комплекс бригадалар услубининг афзалликларидан бири ТХК ва ЖТ бўйича бажарилган ишлар сифатига бригада миқоёсида ишчиларининг шахсий жавобгарлигидир. Бу услубнинг камчиликлари ихтисослашган бригада камчиликларига: ўхшаш бўлиб, бригадалар орасида ТХК ва назорат-диагностика ишларини бажаришда навбат кутиш умумий қўлланиладиган технологик кўтариш ташиш жихозларидан самарали фойдаланишда масалалари бўйича келишмовчиликлар бўлиши мумкин.


В. Агрегат - участкалар услуги

Бу услубга биноан, АТКда харакат воситаларида ТХК ва Т ишлари бригадалар орасида тақсимланган бўлади. Хар бир бригадага битта ёки бир нечта агрегат бўйича ТХК ва таъмирлаш ишларини бажариш маъсулияти белгиланади.


АТКда харакат воситаларига ТХК ва ЖТ ишларини жараёнини агрегат-устахоналар услубида этилгандаги АТК МТХнинг таркиби 3-расмда келтирилган.

Бу услубнинг камчиликларидан бири ишлаб чиқаришни марказлаштириш, тезкор бошқариш, автомобиль, материал ва меҳнат ресурслари бўйича турли ахборот тўплаш қийинлашади.


Ҳозирги пайтда Республикамиз АТК АТБ, техник хизмат кўрсатиш станциялари, фирмали услубда техник хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий прогрессив услублари қўлланилмоқда.



а



б



в

3.1 - расм. Автотранспорт корхонаси мухандис техник хизматини ташкил этиш таркиби: а-ихтисослашган бригада усули бўйича; б-комплекс бригада усули бўйича; в- агрегат-устаноналар усули бўйича ташкил этиш.

4. Ишни бажариш тартиби

Лаборатория машғулоти «Интертранссервис» қўшма корхонасида ёки 3-автобус саройида бажарилади.

4.1. Ишнинг мақсади: ТХК ва ЖТ жараёнини ташкил қилиш услублари билан танишиб чиқилади.

4.2. Муайян автокорхоналарда мавжуд услублар билан танишиб чиқилади.

4.3. Мавжуд услубни ташкилий таркиби ўрганилади, тахлил қилинади ва хулосалар келтирилади.

4.4. Хар бир корхона шароитида талаба фикри бўйича маъқул бўлган мавжуд ва янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услублари тавсияси келтирилади.

3. Лаборатория иши

Автокорхонада ҳаракат воситаларига ТХК ва ЖТ жараёнини бошқариш услубларини ўрганиш лаборатория иши бўйича ХИСОБОТ

Талаба _____ гуруҳи
Ўтказилган жой, сана _____

1. Ишнинг мақсади _____

2. Муайян АТКда ТХК ва ЖТ жараёнини ташкил қилиш услублари ва уларнинг афзалликлари ва камчиликлари:

3. Муайян АТКда ТХК ва ЖТ жараёнини ташкил қилиш услублари ва муҳандис-техник хизматини бошқариш таркибининг чизмасини келтиринг.

4. Автокорхоналарда мавжуд муҳандис-техник хизмати таркибининг ТХК ва таъмирлаш ишларини ташкил қилишга, иқтисодий боғланганлигига таъсирини тахлилини келтиринг.

4 ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Автомобилларга ТХК ва жорий таъмирлаш ишларини марказдан бошқариш тизими (МБТ) ни ўрганиш

1. Ишдан мақсад:

Ишлаб чиқаришни маълумотлар билан таъминланганлигини ўрганиш ва ўзлаштириш. Ишлаб чиқаришни бошқаришни марказлашган тизимини қўллаш шароитида автотранспорт воситаларига ТХК ва таъмирлаш ишларини тезкор режалаштириш ва бошқариш бўйича талабаларда амалий кўникма хосил қилиш.

2. Умумий маълумотлар

АТК ларида техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва бошқариш усулларида бири МБТни АТКда татбиқ этишдир. МБТ қуйидаги принциплардан ташкил топади:

1. Харакатдаги таркибга ТХК ва Т жараёни ишлаб чиқаришни бошқариш бўлими томонидан марказлашган холда амалга оширилади.

2. ТХК ва Т ни ташкил этиш ишлаб чиқариш бўлимларини шакллантириш техникавий принципига асосланади, яъни, техник хизматни хар бир кўриниши ихтисослаштирилган ТХ-1, ТХ-2, ЖТ бригадалари томонидан махсус постларда бажарилади.

3. Бир хил ТХК ишларини самарали бошқариш учун бўлимлар ишлаб чиқариш комплексларига бирлаштирилади.


4. Ишлаб чиқаришни тайёрлаш комплекси агрегат ва узелларни камаймайдиган айланма фонди захирасини тайёрлайди ва уларни иш жойига етказиб беради.

5. Бошқариш бўлими ва ишлаб чиқариш бўлимлари орасида ахборот алмашиб туриш икки ёқлама диспетчерлик алоқа-автоматика ва телемеханика воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Носозликлар, бузилишлар ҳақидаги маълумотларни сақлаш, ишлов бериш ЭХМ ёрдамида бажарилади.

3. Ишнинг мазмуни

3.1. Муайян АТК мисолида ишлаб чиқариш бўлимлари ўртасидаги алоқаларни ўрганиш (4.1-расм).



4.1-расм. АТК техник хизматининг марказлашган бошқарув тузилмаси.
1-маъмурий; 2-тезкор бўйсунуш; 3-иш юзасидан алоқа.

3.2. Тезкор бошқариш бўлими диспетчери хужжатларини ўрганиш, тўлдириш, уларга ишлов бериш услубларини ўрганиш ва кўникма хосил қилиш (устун, қаторларни тўлдириш, маълумотларни шифратор ва классификатор ёрдамида шифрлаш, вақтини ва бажариш мухлатини кўйиш ва кунлик тезкор режани тўлдириш).

3.3 Смена давомида автомобилларга ТХК ва Т бўйича тушган талабномаларни (10-15 та автомобил бўйича) тезкор бошқариш бўлимида таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш.

3.4. Таъмирлаш-созлаш ишлари жараёнини классификатори тўлдирилади (4.1-жадвал).

Таъмирлаш-созлаш ишлари жараёнини классификатори

Носозликнинг ташқи кўриниши	Шифр бўйича рақами	Носозлик	Таъмирлаш созлаш жараёни (ТСЖ)	ТСЖни бажариш вақти, мин.		№	Ташхислаш параметр
				Меъёр бўйича	Амалда		

4. Ишни бажариш тартиби

4.1 Талабалар гуруҳи ишлаб чиқаришни марказдан бошқаришни ташкилий таркиби, таъмирлаш минтақаси билан танишади. Талабалар ўз хисоботларида муайян АТКни («Интертранссервис»кўшма корхонасини) ТХК, ЖТ минтақаларини ташкилий таркиби функционал схемаларини ва ишлаб чиқариш бўлимларини тезкор бошқариш бўлими гуруҳи билан алоқасини келтирадилар.

4.2. Хар бир талабага ЖТ да турган автомобилларни агрегат ва узелларини носозликлари номларини аниқлаш ва ТХК ёки Т га буюртмани; расмийлаштириш топшириғи берилади. Талаба носозликларни бартараф этиш тартибини аниқлайди.

4.3. Талаба аниқланган носозликларни классификатор ва шифратор ёрдамида шифрлаб, кунлик тезкор режа-тахлил қилиш варагини тўлдиради бажариш мухлатини, автомобилнинг гараж номерини ва бажариладиган ишлар рўйхати ва тартибини ёзади.

Сўнгра бутун гуруҳ талабалари биргаликда ЖТ да турган автомобилларни носозликлари ва уларни бартараф этиш кетма-кетлиги, постларни бандлиги, автомобилларни постларда туриш вақтлари тахлил қилинади, ҳамда тегишли хулосалар қилинади.

4. Лаборатория иши
Автомобилларга ТХК ва жорий таъмирлашда ишлаб чиқаришни
марказдан бошқариш тизими бўйича
ХИСОБОТ

Талаба _____ гурухи
Ўтказилган жой, сана _____
1. Ишнинг мақсади _____

1. Муайян АТК ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасидаги алоқаларни келтиринг:.

2. Муайян АТК ишлаб чиқаришини марказдан бошқариш тизими таркибини чизмаси:

3. Носозлик ва бузилишларнинг ташқи кўринишлари бўйича аниқланган рўйхати (ТХК ва Т да турган автомобиллардан хар бир талабага топширик берилади). Мисол:

1. Автомобил русуми -
2. Гараж номери –
3. Эксплуатация бошидан юрган йўли, км –

Носозликларнинг ташқи кўринишлари:

- генератор заряд токини бермаяпти;
- тормоз яхши ишламаяпти;
- илашиш муфтаси сирпанаяпти.

4. Олинган топширикқа биноан хар бир талаба хужжатларни юқорида баён этилган тартибда тўлдиради.

5. Таъмирлаш-созлаш ишларини бажариш жараёнини ўрганиш 4.1-жадвал тўлдирилади.. Хар бир талаба, олган топширигига биноан ТХК ва Тда турган автомобилларда бажарилаётган таъмирлаш-созлаш ишлари жараёнини, ишларни шифрини, бажариш вақтини, ташхислаш параметрларини аниқлайди.

5. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

АТКда қўлланиладиган хужжатлар ва хужжатлаштиришни ўрганиш

Ишдан мақсад:

Автотранспорт корхоналарида ҳаракат воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини режалаштиришда хужжатлар ва топшириқларнинг шакллари билан талабаларни таништириш ва уларда хужжатларни ишлатиш бўйича кўникма ҳосил қилиш.

1. Умумий маълумотлар

Ҳозирги кунда АТКлари Ўзбекистон Республикаси автомобил ва дарё транспорти Давлат акционерлик корпорацияси ҳамда «Тошшахарйўловчихизмат» Давлат уюшмаси томонидан тасдиқланган ТХК ва Т ишларини режалаштириш, ҳисобга олиш ва бажаришда қўлланиладиган хужжатлар шакли ва улардан фойдаланиш тартиби билан иш кўрадилар. Адабиётлар (НИИАТ)да ҳам бундай хужжатларни турли кўринишдаги шакллари келтирилган.

2. Ишнинг мазмуни

Ушбу ишда талабалар АТКларида автомобилларга ТХК ва Тда ишлатиладиган хужжатларни шакли ва таркиби билан танишадилар, тузилишини ва қўлланишини, ҳаракатини ўрганадилар. Хар бир талаба хужжатларни намуналаридан бир нечтасини тўлдиради. Ушбу ишда автомобилларга ТХК ва Т да кенг қўлланиладиган куйидаги хужжатлар кўриб чиқилади:

1. Автотранспорт воситаларига ТХК ва таъмирлаш режа - графиги. Ушбу режа-график АТКда автомобилларга 1 ой давомида 1-ТХК ва 2-ТХК ўтказишни режалаштириш ва уни амалда бажарилишини ҳисобга олиш учун хизмат қилади.

2. Автотранспорт воситаларига ТХКни режа-ҳисоботи. Режа-ҳисобот автомобилларни 1-ТХК ва 2-ТХКдан ўтадиган кунларини белгилайди ва амалда бажарилишини ҳисобга олади.

3. Таъмирлаш варақаси. Автотранспорт воситаларига 2-ТХК ва ЖТ ишларини бажарилишини ҳисобга олади. Таъмирлаш варақаси навбатчи механик томонидан ҳайдовчи иштирокида тўлдирилади ва унда автомобил рекузитлари, носозликлар рўйхати қайд этилади.

4. Автомобилларни ишга чиқиш ва қайтишини қайд этувчи назорат механиги дафтари. Дафтарда ишга чиққан, сафарда бўлган, ҳайдовчисиз: ёнилғисиз, 2-ТХК, ЖТ да турган автомобиллар ҳақида маълумот келтирилади.

5. Автомобил агрегатларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ҳисобга олиш варақаси. Варақада автомобил агрегатларидаги носозликлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида маълумот келтирилади

6. Агрегатни техник ҳолати ҳақидаги далолатнома. Далолатномада ҳайъат аъзоларини мансаби, исми-шарифлари ва уларнинг агрегатни техник ҳолати ҳақидаги ҳулосаси келтирилади.

3. Ишни ўтиш жойи

Тошкент шаҳридаги автотранспорт корхоналари («Интертранссервис» қўшма корхонаси, 3, 18 – автобус саройлари, Тошавтотеххизмат корхоналари ва х.к.).

4. Ишни бажариш тартиби

Талабалар мавжуд АТК ларида қўлланиладиган хужжатларнинг нусхаларини намуналарини адабиётлардан кўчириб оладилар, уни ўрганадилар, ўқитувчининг шахсий топшириғи бўйича хужжатларни тўлдирадилар. Сўнгра муайян АТК да амалда мавжуд ишлатилаётган хужжатлардан 3-4 тасини тўлдирадилар.

Хужжатларни ўрганишда талабалар қуйидагиларни билишлари керак:

1. Хужжат аввал ким томонидан тўлдирилади ва қаерга узатилади.
2. Хужжатда қандай маълумотлар келтирилади
3. Қайси муддатларда ишлатилади (доимий, ойлик, кунлик).
4. Хужжатга ким томонидан ва қандай маълумотлар киритилади.

5. Лаборатория иши

АТКда қўлланиладиган хужжатлар ва хужжатлаштиришни ўрганиш лаборатория иши бўйича ХИСОБОТ

Талаба _____ гуруҳи
Ўтказилган жой, сана _____

1. Ишнинг мақсади _____

АТК да ишлатиладиган қуйидаги хужжатларни намуналари тўлдирилган холда келтирилади:

1. Автотранспорт воситаларига ТХК ва Т режа графиги.
2. Автотранспорт воситаларига ТХК режа-хисоботи.
3. Таъмирлаш варақаси.
4. Автомобилларни ишга чиқиш ва қайтишини қайд этувчи назорат механиги дафтари.
5. Автомобил агрегатларини таъмирлаш ва уларга ТХК ни хисобга олиш варақаси.
6. Агрегатни техник ҳолати ҳақида далолатнома.
7. Д-1 ва Д-2. диагностик харитаси

6. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Соха бўйича ишбилармонлар ўйинини ташкил этиш

Ишдан мақсад:

Автотранспорт корхоналари (бирлашма, ассоциация, агентлик ва х.к.) шароитларида мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини тахлил қилишда ва қарор қабул қилишда ишбилармонлар ўйини ва имитацион моделлаштиришдан фойдаланишни талабалар иштирокида машқ қилишдир.

1. Ишни бажариш тартиби


Автотранспорт корхоналари (бирлашма, ассоциация, агентлик ва х.к.) шароитларида мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини тахлил қилишда ва қарор қабул қилишда ишбилармонлар ўйини ва имитацион моделлаштиришдан фойдаланишни талабалар иштирокида машқ қилишдир.

Хар бир талаба ТТБ фанига алоқадор 100 та сўз келтиради. Автомобил транспорти корхоналари техник тизим ходимларининг ишлаб чиқариш жараёнини тахлил қилиш ва қарор қабул қилишда ишбилармонлар ўйини самарали фойдаланишни талаб этади.

Хар бир талаба (қуйида келтирилган сўзларга ўхшаш) ўзи келтирган сўзлар (терминлар) асосида кроссворд тузади ва унинг ечимини келтиради.

таълим	ахборот	комплекс	ўхшатиш
техника	хужжат	режа	тезкор
тизим	қарор	услуг	блок
бошқариш	ходим	усул	модел
бошқарма	кадр	агрегат	корпорация
муҳандис	дастур	хизмат	ўхшатиш
механик	вазифа	диагностика	ходим
бўлим	топшириқ	таъмирлаш	иқтисод
ресурс	тушунча	бошлиқ	эксплуатация
база	мақсад	рахбар	хисоб
талабнома	махсус	таълимот	хисобот
ариза	фаолият	ташкilot	автомобил
жадвал	ижрочи	омбор	тартиб
варақа	табақалаш	минтақа	манба
вариант	билиш	стенд	фойда
анкета	тахлил	назорат	босқич
ишбилармон	моделлаш	бригада	концентрация

талаба	шахсий	ташкилот	жорий
чилангар	хусусий	марказ	кундалик
уста	давлат	транспорт	пост
эксперт	акционер	объект	муовун
стандарт	карточка	бакалавр	пағона



6.1-расм Кроссворд шакли

6. Лаборатория иши

Соха бўйича ишбилормонлар ўйинини ташкил этиш лаборатория иши бўйича
Х И С О Б О Т

1. Ишнинг мақсади:
 2. Хар бир талаба ўзи келтирган сўзлар (терминлар) асосида кроссворд тузади. Кроссворд тузиб уни ечимини келтиради.
 3. Ўқитувчи гуруҳ талабалари томонидан тузилган кроссворд мазмуни ва тез ечилишига қараб ишни баҳолайди.
- Дарс якунида ўқитувчи ғолиб гуруҳни эълон қилади.


7. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш техник бўлими ишини ўрганиш

Ишнинг мақсади.

Техник бўлимнинг таркиби, вазифаси, бажарадиган ишлари, ишлатадиган хужжатларини ўрганиш.

Техник бўлим янги техника ва технологияни ишлаб чиқариш жараёнини татбиқ этиш, меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича тадбир ва режаларни тузади; уларни амалга оширади ва бажарилишини назорат қилади; меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади; ходимларга етадиган жароҳатлар сабабини ўрганади ва уларнинг олдини олиш чораларини кўради; кадрлар тайёрлаш, ишчи ва муҳандис техник хизмати ходимлари малакасини ошириш бўйича техник ўқишлар ўтказиши; АТК да ихтирочилик, рационализаторлик ишларини ташкил этади ва рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этади; техник меъёрлар ва қўлланмалар тузади, ностандарт жихозлар, мосламалар, ускуналар тузилмасини яратади.



7.1-расм. Уюшма (бирлашма, корпорация) ишлаб чиқариш техник хизмати таркибининг принципиал тасвири.

Талабалар автокорхонада техник хизмати таркиби, бўлим режаси, бўлимда ишлатиладиган техник - технологик хужжатлар ва уларни тўлдириш, бўлимда мавжуд техник воситалар тузилиши ва ишлатилиши билан танишиб чиқадилар (7.1-жадвал тўлдирилади).

7. 1- жадвал

Техник ходимлари томонидан тўлдирилган хужжатлар рўйхати

Т/р	Хужжатлар номи	Хужжатни тўлдирувчи ходим лавозими
1.	ТХ-1 ўтказиш жадвали (ойлик, йиллик)	
2.	ТХ-2 ўтказиш жадвали (ойлик, йиллик)	

3.	АТК бўйича агрегатларнинг айланма фонди борлиги ва ҳаракати ҳақида ҳисобот	
4.	Навбатчи механикни АТКдаги автомобиллар ва уларнинг техник ҳолати ҳақидаги билдиргиси	
5.	Автомобилларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси	
6.	АТКда қора ва рангли металллар топшириш режасини бажариш ҳақида ҳисобот	
7.	Аккумулятор батареялари ишини ҳисобга олиш карточкаси	
8.	Автомобил шиналари ишини ҳисобга олиш карточкаси	
9.	Ҳаракатдаги таркибни шахсий карточкаси	


4. Техник ходимлар томонидан фойдаланадиган ҳужжат намуналарини тўлдириш.

1. Ишни мазмуни

Техник бўлимда ностандарт жихозлар, мосламалар, ускуналар конструкциялаш тузилади. Техник меёр ва йўриқномалар тузилади; ходимлар малакасини ошириш ва кадрларни таёрлаш бўйича техник ўқиш, техника хавфсизлиги ва меҳнат хавфсизлиги тадбирлари ўтказилади ва ишлаб чиқилади, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар сабабини ўрганиш ва уни бартараф қилиш чоралари қабул қилишади, технологик жихозлар танлаш амалга оширилади, ишлаб чиқаришда техник базани қайта қуриш бўйича режавий ечимлар ишлаб чиқилади.

2. Ишни бажариш тартиби

Талабалар автокорхонада техник хизмати таркиби, бўлим режаси, бўлимда ишлатиладиган техник- технологик ҳужжатлар ва уларни тўлдириш, бўлимда мавжуд техник воситалар тузилиши ва ишлатилиши билан танишиб чиқадилар.



7.2-расм “Тошшаҳарўловчихизмат” Давлат уюшмаси техник тизимини бошқариш схемаси

7. Лаборатория иши
Автотранспорт корхоналарида ишлаб чиқариш техник бўлими ишини
ташқил этиш лаборатория иши бўйича
ХИСОБОТ

Талаба _____ гурухи

Ўтказилган жой, сана _____

1. Ишнинг мақсади _____

2. Автотранспорт корхонасида ишлаб чиқариш техник бўлими таркибининг принципл тасвири.
3. Ишлаб чиқариш техник бўлими ходимлари таркиби, вазифалари келтирилсин.
4. АТК техник ходимлари томонидан тўлдирилган хужжатлар рўйхати келтирилсин:
5. Техник ходимлар томонидан фойдаланадиган хужжат намуналарини тўлдириш.

8. ЛАБОРАТОРИЯ ИШИ

Сервис хизмати кўрсатиш корхоналарида техник тизимларни бошқаришни ўрганиш

Ишдан мақсад:

Талабаларни «Мерседес - Бенц» сервис маркази шароитида автобус саройлари билан сервис маркази ўртасида бажариладиган ТХК ишлари тақсимланишини, марказда ва «ЎзДЭУ» сервис хизмати кўрсатиш корхоналарида техник тизим структураси ва уни бошқариш шаклини; бошқаришда ишлатиладиган техник воситалар ва хужжатлар билан таништиришдир.

1. Ишни мазмуни


«Мерседес-Бенц» сервис марказида ва «ЎзДЭУ авто» енгил автомобилларига сервис хизмати кўрсатиш корхоналарида талабалар техник тизимларни бошқариш структураси ва шакли (Расм 8.1 ва 8.2), сервис хизмати кўрсатиш ишларининг автокорхона ва сервис маркази ўртасидаги тақсимоти (Жадвал 8.1), техник ахбороти хизмати, лагер хизматлари, смена усталари ва муҳандислари вазифалари ва улар томонидан тўлдириладиган техник хужжатлар билан танишилади ва айрим хужжатлар талабалар томонидан тўлдирилади.

8.1-жадвал


«Мерседес-Бенц» сервис маркази ва автобус саройлари ўртасида
ТХК ишларининг тақсимоти

№	Ишлар номи	Иш ҳажми, %	
		Сервис маркази	Автобус саройи
1	2	3	4
1	Кундалик хизмат	-	100
2	1-ТХК	100	-
3	2-ТХК	100	-

1	2	3	4
4	Диагностика ишлари: умумий чуқурлашган	10 100	90 -
5	Маҳкамлаш-созлаш ва алмаштириш ишлари	40	60
6	Агрегатларни таъмирлаш	100	-
7	Агрегатларни алмаштириш	90	10
8	Таъминот тизими	100	-
9	Электр жиҳозлари	70	30
10	Аккумулятор ишлари: хизмат кўрсатиш таъмирлаш	- 100	100 -
11	Механик ишлар	100	-
12	Мисгарлик ишлари	100	-
13	Тунукасозлик ишлари	60	40
14	Темирчилик ишлари	100	-
15	Пайвандлаш ишлари	60	40
16	Арматура ишлари	80	20
17	Чилангарлик ишлари	90	10
18	Дурадгорлик ишлари	90	10
19	Қопламачилик ишлари	90	10
20	Бўёқчилик ишлари	85	15
21	Шинамонтаж ишлари	-	100
22	Шина таъмирлаш ишлари	100	-



8.1-расм. “Мерседес-Бенц” сервис марказида техник тизимлар структураси ва бошқариш шакли



8.2- расм “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамияти корхоналарини бошқариш структураси

Лаборатория ишини бажариш жараёнида талабалар Тошкент шаҳридаги « Мерседес-Бенц» сервис маркази ва «УзДЭУ» енгил автомобилларига сервис хизмати кўрсатиш корхоналарида техник тизимларни бошқариш схемаларини,

ишларни ташкил этиш услубларини, ишлатиладиган техник хужжатлар нусхаларини, уларни тўлдириш услубларини ёритиб берадилар.

8 Лаборатория иши

Транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш корхоналарида техник тизимларни бошқаришни ўрганиш бўйича

ҲИСОБОТ

1. Ишдан мақсад:
2. Ишни ўтиш жойи: «Мерседес-Бенц» сервис маркази ва енгил автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш корхонаси
3. Автобусларга ТХК ишларини автобус саройлари билан сервис маркази ўртасида тақсимланиши (8.1 жадвал) тўлдилсин:
«Мерседес - Бенц» сервис марказида техник тизимларни бошқариш схемаси келтирилсин:
4. «УзДЭУ» сервис хизмати кўрсатиш корхонасида техник тизимларни бошқариш схемаси келтирилсин:
5. Сервис маркази ва сервис корхонаси техник тизими ходимлари томонидан тўлдириладиган хужжатлар намуналари келтирилсин ва айримлари тўлдирилсин:

Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий

1. Фуломов С.С. Менежмент асослари. -Тошкент, 1998 й.
2. Кузнецов Е.С. Управление техническими системами. -М: МАДИ, 2003 г. – 247 с.
3. Техническая эксплуатация автомобилей. Учебник для ВУЗов. Под ред. Е.С. Кузнецова. - М.: Транспорт, 2004 г. – 535 с.
4. Клейнер Б.С., Тарасов В.В. Техническое обслуживание и ремонт автомобилей. Организация и управление. -М.: Транспорт, 1986, - 239 с.
5. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Профессор К.М.Сидикназаров умумий тахрири остида таржима қилинди. –Тошкент: «VORIS-NASHRIYOT», 2006 йил. -630 бет.
6. Кузнецов Е.С. Управление технической эксплуатацией автомобилей. – М.: Транспорт, 1990 г. – 224 с.
7. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. Профессор К.М.Сидикназаров умумий тахрири остида. –Тошкент: «VORIS-NASHRIYOT», 2008 йил. -535 бет.

Қўшимча

1. "Таълим ҳақида" Ўзбекистон Республикаси қонуни. -Т.: Шарқ, 1997 й.
2. Кузнецов Е.С. Теоретические и нормативные основы технической эксплуатации и сервиса автомобилей. – М.: МАДИ, 2000 – 69 с.
3. «Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисидаги Низом». Доц. Д.И.Усманов томонидан тайёрланган. – Тошкент: «Ўзавтотранс» Корпорацияси, 1999 й. – 212 б.
4. Мўминжонов Н.М., Усманов Д.И. «Техник тизимларни бошқариш» фанидан маърузалар матни, 2008 й. – 92 б.
5. Валижонов Р., Қабулов О. Менежмент асослари. - Тошкент, 1997.
6. Махмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилида иш юритиш. - Тошкент, 1990.
7. Мусажонов М.З. Автотранспорт тармоғи корхоналарини лойиҳалаш. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Тошкент: «Фан», 2006 йил. -231 бет.
8. Асатов Э.А., Тожибоев А.А. Ишончлилик назарияси ва диагностика асослари. Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. –Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2006 йил. – 160 бет.

